

MChJ "OSIYO AUDIT" AT

Toshkentsh, Yunusobodtumani,
A.Temur 1-torko`chasi, 2-uy.
Telefon: +99 (871)236-11-60
e-mail: osiyo-audit@mail.ru
http://www.osiyo-audit.uz



ООО "OSIYO AUDIT" АО

г.Тошкент, Юнусабадский район,
ул.А.Темура, проезд-1 ,дом -2.
Телефон: +99 (871)236-11-60
e-mail: osiyo-audit@mail.ru
http://www.osiyo-audit.uz

МУСТАҚИЛ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

"URGANCH SHAROB" AJ таъсисчиларига

Фикр

Бизнинг фикримизча, илова қилинаётган молиявий ҳисоботлар "URGANCH SHAROB" AJ(кейинги матнларда "Жамият")нинг 2022 йил 31 декабрга бўлган молиявий ҳолатини, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида унинг молиявий натижаларини барча муҳим жиҳатларда бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ ҳаққоний тақдим этади.

Аудит предмети

Биз "URGANCH SHAROB" AJнинг қуидагилардан иборат таркибдаги молиявий ҳисоботларини аудитдан ўтказдик:

- 2022 йил 31 декабр ҳолатига бўлган молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот;
- 2022 йил 31 декабр ҳолатига бухгалтерия баланси;

Фикр билдириш учун асослар

Биз Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС) га мувофиқ аудит ўтказдик. Бизнинг ушбу стандартлар бўйича жавобгарлигимиз ушбу хулосанинг "Аудиторнинг молиявий ҳисоботни текшируви бўйича жавобгарлиги" бўлимида батафсил ёритилган. Биз Бухгалтерлар учун халқаро аҳлоқ стандартлари Кенгашининг (БХАСК) "Профессионал бухгалтерлар учун аҳлоқ" Кодекси талаблари ва аҳлоқий қоидаларига, шунингдек молиявий ҳисобот аудитига тегишли Ўзбекистон Республикасида қўлланиладиган аҳлоқ меъёrlарига мувофиқ жамиятдан мустақилмиз ва БХАСК кодексида белгиланган бошқа

Ташкилот: "URGANCH SHAROB" AJ

Хоразм вилояти Урганч шахар давлат хизматлари марказидарўйхатта олинган.

1997 йил 03октябрда берилган № 163сонли Гувохнома. СТИР: 200408363

Хоразм вилояти, Урганчшахар, Саноатчилар кўчаси 417а-уй

Хр 2021000200194178001 МФО 00580

АТИБ "Ипотека Банк"

Мустақил аудиторлик ташкилоти: МЧЖ АТ "OSIYO AUDIT".

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига рўйхатга олинган.

1998 йил 11 августда берилган № 517 регистрация рақамли Гувохнома.

Ўзбекистон Республикаси, Молия вазирлиги томонидан 2019 йил 17апрелда берилган АФ № 00817 сонли Лицензия.

Ўзбекистон Бухгалтерлар ва Аудиторлар Миллий Ассоциацияси атзозси.

мажбуриятларни бажарғанмиз. Биз олган аудиторлик далиллари фикримизни ифода этилишини тасдиқлаш учун етарли ва ўринли деб ҳисоблаймиз.

Молиявий ҳисобот учун раҳбарият ва корпоратив бошқарув ваколатига эга шахсларнинг жавобгарлиги

Жамият Раҳбарияти молиявий ҳисоботни БҲМС га мувофиқ тайёрлаш ва тўғри тақдим этиш, шунингдек фирибгарлик ва хатолик туфайли жиддий бузиб кўрсатилган молиявий ҳисоботлар тайёрланишини олдини олиш учун узи зарур деб ҳисоблаган ички назорат тизими учун жавобгардир.

Молиявий ҳисоботни тайёрлашда раҳбарият Жамият ўз фаолиятини узлуксиз давом эттира олиш имкониятини баҳолашга, зарур ҳолларда фаолият узлуксизлиги билан боғлиқ бўлган ахборотларни ошкор этишга, агарда раҳбарият томонидан корхона фаолиятини тугатиш, фаолиятни тўхтатиш ёки бошқа ҳолатлар мавжуд бўлмаса, фаолият узлуксизлиги таҳминига кўра ҳисобот беришга жавобгар.

Корпоратив бошқарув учун масъул шахслар корхонанинг молиявий ҳисоботларини тайёрлашни назорат қилиш учун жавобгардир.

Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарлиги

Бизнинг мақсадимиз молиявий ҳисоботлар фирибгарлик ва хатолик туфайли бўладиган жиддий нотўғри кўрсаткичлардан ҳоли эканлигига оқилона ишонч ҳосил қилиш, ҳамда аудиторлик фикрини аудиторлик ҳулосасида акс эттириш. Оқилона ишонч ишончнинг юқори даражасини белгилайди, лекин АҲС ларига мувофиқ ўтказилган аудит мавжуд жиддий хатоларни аниқлашнинг мутлоқ кафолати эмас. Бузиб кўрсатишлар фирибгарлик ёки хатолик туфайли юзага келиши мумкин ва ушбу бузиб кўрсатишлар алоҳида ёки жами бўлиб молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларнинг иқтисодий қарорларига таъсир қилиши мумкин бўлса, муҳим хатолик ҳисобланади.

Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ аудитнинг бир қисми сифатида биз бутун аудит давомида профиссионал мулоҳаза юритамиз ва профиссионал скептицизмни кўллаймиз. Бундан ташқари биз қўйидагиларни бажарамиз:

- фирибгарлик ёки хатолик туфайли молиявий ҳисоботнинг жиддий бузилиши хатарини аниқлаш ва баҳолаш, ушбу хатарларга жавобан аудиторлик амалларини ишлаб чиқамиз ва бажарамиз, аудит фикри учун асос бўлиб хизмат қиласидан аудиторлик далилларини оламиз. Фирибгарлик натижасида муҳим бузиб кўрсатишларни топилмаслик таваккалчилиги, хато туфайли муҳим бузиб кўрсатишларни топилмаслик таваккалчилигидан юқори, чунки фирибгар соҳталаштириш, қасддан хато қилиш, нотўғри маълумот бериш ёки ички назорат тизимини четлаб ўтувчи ҳатти-ҳаракатларни амалга оширган бўлиши мумкин;
- корхонанинг ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида ўз фикримизни билдириш учун эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида, аудитор тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаши ва ҳаққоний тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади;



- кўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллиги ва ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисботларнинг ифодаланишини баҳолаш;
- бухгалтерия ҳисоби ва бошқарувдан олинган аудиторлик далиллари асосида, корхонанинг фаолиятни узлуксиз давом эттириш қобилиятига жиддий шубҳа тўғдириши мумкин бўлган воқеалар ва ҳодисалар билан боғлиқ муҳим ноаниқликлар мавжудми ёки йўқлиги тўғрисида, раҳбарият фойдаланиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулоса қиласиз. Агар биз муҳим ноаниқликлар мавжуд деган ҳуносага келсақ, аудит ҳисботида молиявий ҳисботдаги ноаниқликларни ёритиб беришга эътиборимизни қаратамиз ёки ноаниқликларни ёритиб бериш имкони бўлмаса аудит фикрини ўзгартирамиз. Бизнинг аудит ҳуносамиз олинган аудиторлик далилларига асосланади. Келажакдаги воқеа ва ҳодисалар корхона фаолиятининг узлуксизлигига таъсир этиши мумкин.
- биз молиявий ҳисботнинг тақдим этилишини, унинг тузилиши ва таркибини, шу жумладан маълумотларнинг ошкор қилинишини ва молиявий ҳисбот асосий операциялар ҳамда ҳодисаларни ишончли тарзда тақдим этишини баҳолаймиз.

Биз Корпаратив бошқарув учун масъул шахслар билан аудитни режалаштириш, аудит ўтказиш вақти ва аудитда аниқланган муҳим камчиликлар, шу жумладан аудит давомида аниқланган ички назоратдаги ҳар қандай камчиликлар тўғрисида алоқа қиласиз.

Биз шунингдек Корпаратив бошқарув учун масъул шахсларга аудитнинг мустақиллигига тегишли барча аҳлоқий талабларга риоя қилинганлиги тўғрисида баёнот берамиз ва ушбу шахсларга аудитнинг мустақиллигига таъсир қилиши мумкин бўлган барча муносабат ва масалалар тўғрисида хабар берамиз.


Биз Корпаратив бошқарув учун масъул шахсларга хабар қилинган масалалардан жорий давр молиявий ҳисботи аудитида энг муҳим ва аудитнинг асосий масалаларини аниқлаймиз. Биз ушбу аудитнинг асосий масаларини аудит ҳисботимизда ёритамиз, ушбу масалалар тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиниши қонун ёки бошқа ҳужжатлар билан тақиқланган ҳоллар бундан мустасно, ёки биз камдан-кам ҳолларда ушбу масалаларни ошкор қилмаслик керак деган ҳуносага келамиз. Чунки бундай ахборотнинг салбий оқибатлари ижобий оқибатидан ошади деб тахмин қилиш мумкин.

Исмайлов А.М.

Директор МЧЖ АТ “OSIYO AUDIT”

Исмайлов А.М.

Аудитор.



2023 йил 15 июн

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш.

№ 27